

Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз!

№ 35-36 (486-487) 2021 йил 7 май, жума

IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA

O'ZBEKISTON BUNYODKORI



UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@umail.uz

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ПРЕЗИДЕНТ:

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШ БЎЙИЧА КЕЛАЖАК УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛАДИГАН ЯНГИ ТИЗИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВАҚТИ-СОАТИ КЕЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 май куни

чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда ҳар йили илм-фаннинг бир нечта йўналиши танлаб олиниб, алоҳида эътибор билан ривожлантирилмоқда. Бу йил физика ва чет тиллари ана шундай устувор соҳалар этиб белгиланган.

Ўзбекистоннинг очиклик сиёсати, дунё бозорига фаол кириб бораётгани, барча соҳаларда халқаро ҳамкорлик кенгаётгани хорижий тилларни билишга эҳтиёжни оширмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги 25 та олий таълим муассасасида ўқитиш чет тилида олиб борилмоқда. 2016 йилда улар атиги 7 та эди. Халқаро тил сертификати олган битирувчи ўқувчилар сони охириги 3 йилда 10 бараварга ошган.

Жорий йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 350 нафар талабанинг нуфузли хорижий университет-

ларда ўқиши учун стипендиялар ажратилди. Бу ўтган йилларга нисбатан 5 баравар кўпдир.

Лекин, жойлардаги аҳвол мақсад қилинган катта режаларга мос эмас. Хусусан, таълим тизимида 2 мингдан ортиқ чет тили ўқитувчиси лавозими вакант бўлиб қолмоқда. 1 минг 400 та мактабда чет тилини ўқитиш сифати мутлақо қониқарсиз. Бу тизимдаги ўқитувчиларнинг атиги 4 фоизи миллий ва халқаро тил сертификатига эга. Хонобод ва Қувасой шаҳарлари, Зафаробод, Миришкор, Тўрткўл, Шеробод ва Узун туманларида бундай сертификатли бирорта ўқитувчи йўқ. Мактаблардаги чет тили ўқитувчиларнинг 49 фоизи тестдан ўта олмаган.

Йиғилишда тизимдаги муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгиланди.

– Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукаммал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ташкил этилиши маълум қилинди.

Бу Агентлик дунёда самарали натижа берган ўқитиш методикалари, дастур ва дарсликларини таълим тизимида жорий этиб, хорижий тилларни

мукаммал ўзлаштиришга кўмаклашадди. Таълим муассасалари, тармоқлар ва ҳудудларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, камида 10 та чет тилини ўргатишни ташкиллаштиради.

Шунингдек, вазирлик, идора ва бошқа иш берувчилар билан бирга, хизматчиларнинг касбий фаолиятини хорижий тилларда тўлиқ амалга ошириш имкониятини берадиган методикаларни ишлаб чиқиб, шароитга мослаган ҳолда, амалиётга жорий этади.

Давлат тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан давлат тилига профессионал таржима қилиш методикаларини яратиш ҳам унинг асосий вазифаларидан бири бўлади.

Агентлик хорижий тилларни билиш рейтингини ҳам юритади. Чет тили ўқитувчилари учун малака талаблари ва баҳолаш мезонларини

ишлаб чиқади ҳамда малака тоифаларини беради.

Бир сўз билан айтганда, Агентлик “боғча – мактаб – олий таълим – корхона” занжири орқали, аҳолининг барча қатламига мос бўлган методика, тавсия ва дарсликларни ишлаб чиқади ҳамда жорий этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ва Тошкент давлат шарқшунослик университетлари, Самарқанд чет тиллари институти билан бир қаторда, ҳар бир вилоятда биттадан университет чет тиллари бўйича таянч муассаса сифатида белгиланади.

Давлатимиз раҳбари ўқитувчиларга муносиб шароит яратиш, малакасига қараб уларни рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

» 2 бет

Шу куннинг гаплари

411 минг аҳолига мўлжалланган Янги Андижон турар жой массиви қурилиши бошланди. 4 минг гектар майдоннинг бош режаси бўйича биринчи босқичда **60 та** қўп қаватли уй, мактаб, боғча ва поликлиника қурилади.

Дехқонобод туманидаги 100 дан ортиқ қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш кўзда тутилган **“Дехқонобод–Оқсув”** лойиҳасининг биринчи босқичи ишга тушди.

Жорий йил Сурхондарё вилоятининг 483 та маҳаллаларида қурилиш-обodonлаштириш ишларини амалга ошириш учун **1,6 трлн сўм** йўналтирилди.

Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан шу кунларда **4-52 “Сарикўл–Нуробод–Тим”** автомобиль йўлида асфальт ётқизиш ва таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

Пойтахт вилоятининг Оққўрғон туманида “Темир, аёллар ва ёшлар дафтарлари”га қиритилганларнинг бандлигини таъминлаш учун **300 та** замонавий тикиш машинаси тарқатилди.

ЗАМОНАВИЙ МАРКАЗ

республикада
рақамли иқтисодиётни
ривожлантиришга
хизмат қилади



Шу кунгача жами 7 млн 400 мингтадан 6 млн 700 мингдан ортиқ (90%) ҳисоблагич ўрнатилиб, уларнинг қарийб 4 млн 330 мингтадан ортиғи биллинг тизимига уланган, яъни ҳисоб-китоблар автомат равишда амалга оширилмоқда. Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази (Data center)да бу борадаги ишлар марказлашган ҳолатда бошқариб борилмоқда.

Равшан Мирсалихов, Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази директори

Дилфуза ҲАБИБОВА,
“O'zbekiston bunyodkori”
мухбири.

Жорий йил 23 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш марказига ташрифи чоғида, бу ерда аҳолига замон талабларига мос равишда хизмат кўрсатиш, электр таъминотини янада яхшилаш бўйича қатор кўрсатмалар берганди.

Хусусан, электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш – бу биринчи қадам эканлиги, энг қийини олдинчилиги, яъни ҳудудларда, узоқ қишлоқларда ҳисоблагичларни

» 2 бет

эксплуатация қиладиган профессионал кадрларни етиштириш, тизимнинг ташқи таъсирларга чидамлилигини ошириш, кейинчалик тармоқ эскириши туфайли юзага келадиган ҳолатларни ҳисоб-китоб қилишни ҳозирдан ўйлаш кераклиги, тушумларнинг маълум бир фоизини илмга, модернизацияга йўналтириш зарурлигига эътибор қаратганди. Ҳўш, бу борада соҳада қандай амалий ишлар олиб борилмоқда?

Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази директори Равшан Мирсалихов айти пайтда республика бўйлаб электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)га уланган ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари якуний босқичга чиққанини таъкидлаб ўтди.

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Оддий оилада,
минг тўққиз юз
ўн олтинчи йилда
дунёга келган
Рўзиқул бобо
тақдир ҳаётини
алғов-далғовлар,
қирғинбарот
урушлар билан
синашини, ҳатто
тушларида ҳам
кўрмаган эди.
Аммо, шундай бўлди
ҳам. Оиласи билан
тинч яшаб юрган
қаҳрамонимизни
ҳам уруш ўз домига
тортиб, 1943 йилда
кўплар қатори
фроннга юборилди.



Суратда: Денов туманида умрғузорчилик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Рўзиқул Ашуров. Жонибек Қўзимуродов (ўса) олган сурат.

Рўзиқул отанинг хотиралари

Сурхондарё вилоятининг Денов туманида умрғузорчилик қилаётган Рўзиқул бобо Ашуров Иккинчи жаҳон урушини шундай хотирлайди: “...Ҳаммамнинг мақсади душмани тор-мор этиш, олға югуриш керак, асло ортга, ён-атрофингизга қарашга вақт ҳам йўқ. Вазиятнинг ўзи бунга йўл бермайди. Сал чалғидингизми, тамом. Қора ўқ илиб кетади. Энди-гина дўст тутиниб, танишиб улгурганингиз шу куннинг ўзигаёқ ҳалок бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Ўқ овозидан, пулемётларнинг, танкларнинг гүмбур-гүмбуридан ҳеч нарсани эшитиш, илғаш ҳам мушкул эди ўша онларда. Аммо, жон бераётганларнинг

“Ё Ватан”, дея қичқирганини яхши эслайман. Атрофда ёру биродарларимизнинг жасадлари тутдек тўкилиб ётарди. Баъзилари кўмилар, баъзилари эса окопларда қолиб кетарди. Очликдан, уруш даҳшатидан эмас, фақатгина ёғийга она юртни бериб қўйишдан қўрқардик. Ватанни олдимасликни ўйлаб мижжа қоқмасдик, баримиз. Ахийри, шундай кун ҳам келди. Ғалаба ҳайқирғини эшитганимиз ҳамано бош кийимларимизни осмонга отиб ерни ўпганимиз бугунгидек ёдимда...”

Москва жанг майдонларида душман билан мардондор олишган қаҳрамонимиз, шунингдек, уч йил Берлинда

хизмат қилиб, урушда кўрилган талафотларни бартараф этишда ҳам жонбозлик қилган эди. Бугун кўксини тўлдириб турган орден ва медаллари, бошидан кечирган заҳматлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган жасоратини яна бир бор эсга солиб, хотираларни кўз ўнгига жонлантириб тургандай гўё.

– Қайнотам 105 ёш остонасида туриб, тарихга мунгли боққани замон ўша машвум кунлар яна кўз ўнгига жонланади-ю жим ўйга чўмади, – дейди кенжа келин Сафия Нурматова. – Ана шундай онларда барчамизга бугунги тинчлик, фаровонлик, тўкин-сочинлиқнинг қадрига

етиш кераклигини ўқтирадilar. Уйимизга келганлар уруш хотиралари билан қизиқишади. Ўша давлар ҳақидаги гапларни кўп эшитганимданми, мен ҳам уруш даҳшатларини бошдан кечиргандай, бир чўчиб кетаман.

Дарҳақиқат, тинчлик сўзининг моҳиятини сафлари тобора камайиб бораётган уруш қатнашчилари ҳаммадан кўра чуқурроқ англайди ва қадрлайди. Изтироб, кўзда ёш ва армон билан ўша даврни ёд олади.

Рўзиқул ота урушдан қайтгач, оила қуриб олти ўғил, олти қизли бўлди. Уларни эл қорига ярайдиган инсонлар этиб тарбиялайди. Ҳозирда етмишдан ортиқ

набира-ю икки юз олтмишдан зиёд чеваралари атрофида парвона. Бобони йўқлаб, ундан дуо сўраб келгувчилар сафи узилмайди.

Таъкидлаш жоиз, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага барча юртдошларимиз қатори сурхондарёликлар ҳам катта ҳисса қўшган. Хусусан, 1941-1945 йиллар давомида фронтга 53 минг 365 нафар сурхондарёлик жўнатилган. Уларнинг 11 минг нафари жангда ҳалок бўлган.

Бугунги кунда вилоятда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари 27 нафар, фронт орти меҳнат фахрийлари 1895 нафар, юз ёшдан ошган фуқаролар 101 нафарни ташкил этади.

ПРЕЗИДЕНТ: ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШ БЎЙИЧА КЕЛАЖАК УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛАДИГАН ЯНГИ ТИЗИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВАҚТИ-СОАТИ КЕЛДИ

1-бет

Халқаро сертификатнинг дастлабки ва ўрта даражасини олган ўқитучиларнинг ойлик маошига 40 фоиз, юқори натижа кўрсатганларга 50 фоиз устама берилиши белгиланди.

Бундан ташқари, юқори балл олган ўқитучиларга халқаро сертификат олиш учун тест топшириш харажатлари қоплаб берилади. Келгуси йилдан бошлаб, ишга қабул қилинаётган чет тили ўқитувчиларига миллий ва халқаро сертификатга эга бўлиш талаби киритилади.

Кейинги уч йил давомида мактаблардаги 53 минг нафар чет тили ўқитувчиларининг барчаси халқаро сертификат олиши зарурлиги таъкидланди. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, мактаблардаги вакант ўринларни малакали мутахассислар билан тўлдирishi вазифаси қўйилди.

Чет тилларини чуқур ўргатиш мақсадида туман ва шаҳарларда 207 та мактаб танлаб олинди. Ушбу мактабларда хорижий китоблар, илғор ўқув дастурлари ва методикаларидан эркин фойдаланиш ҳамда фанларни чет тилида ўқитиш йўлга қўйилди.

Вилоят ҳокимликларига мактабларда чет тилини ўқитиш сифатини оши-

риш учун маҳаллий бюджетдан ҳар бир туман ва шаҳарга 1 миллиард сўмдан маблағ ажратишга кўрсатма берилди.

Ихтисослашган мактаблар ва олий ўқув юртларига тил эгаси бўлган хорижлик ўқитувчиларни жалб қилиш, ҳар бир туманда танлов ўтказиб, чет тили ўқитувчиларини хорижда малака оширишини йўлга қўйиш муҳимлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари чет тиллари бўйича энг яхши мактабларни аниқлаш учун Президент совринини таъсис этиш таклифини билдирди.

Бунда туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасида танлов ўтказилди. Туман ва шаҳар босқичида 1-ўринни олган мактаблар 100 миллион сўмдан, вилоят босқичи ғолиблари 250 миллион сўмдан, мамлакатимиз миқёсидаги энг яхши мактаб эса 500 миллион сўм миқдорда мукофотланади. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ҳам мос равишда рағбатлантирилади. Ушбу мактабларнинг директор ва ўқитувчилари давлат мукофотларига тавсия этилади.

Ўқитиш сифати халқаро андозаларга мос дарслик ва методик қўлланмаларга ҳам боғлиқ. Шу боис, инглиз тили бўйича Кэмбриж университети наشريёти дарсликларини 200 та мактабда апробациядан ўтказиб, кейинги йилдан

барча мактабларда татбиқ этиш вазифаси қўйилди. Бундай ишлар рус, немис, корейс, хитой ва француз тиллари бўйича ҳам ташкил этилади.

Соҳадаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб боришлари, янги адабиёт ва қўлланмалар сотиб олишлари учун ҳар бир чет тили ўқитувчисига бюджетдан 1 миллион сўмдан маблағ ажратилиши белгиланди.

Мактабгача таълим вазирлигига ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 7 ёшгача бўлган болаларга чет тилларини ўқитиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиб, жорий этиш вазифаси қўйилди.

Ийгилишда олий таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда олийгоҳлардаги 78 фоиз профессор-ўқитувчиларнинг чет тилини билиш даражаси қониқарсиз аҳволда экани кўрсатиб ўтилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб, чет тиллари бўйича қабул квоталари сони 2 баравар кўпайтирилиб, 16 мингтага етказилиши, давлат гранти эса 3 бараварга оширилиши таъкидланди.

Шу билан бирга, келгуси йилдан бошлаб, магистратура ва докторантурага кирувчилар учун чет тили бўйича халқаро сертификатга эга бўлиш талаби

киритилади. Олий ўқув юртларида мутахассислик фанларини хорижий тилларда ўқитиш босқичма-босқич жорий этилади. Табиий ва техник фанлар бўйича хорижий дарслик ва қўлланмалардан эркин фойдаланиш йўлга қўйилди.

Чет тилини ўқитишнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали хорижий докторантурада таълим олиш учун йилга 20 та ўрин ажратилади.

Британия кенгаши, Гёте институти, Француз альянси, KOICA, JICA, Конфуций институти каби хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, нодавлат ўқув марказларини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ҳар бир вазирлик, идора, давлат компаниялари ва ийрик хусусий корхоналарда тил ўрганишни қўллаб-қувватлаш, ҳафтанинг бир кунини белгилаб, хорижий тилларни ўрганиш учун шароит яратиш зарурлиги таъкидланди.

Тил ўргатувчи видеодраслар, фильм ва кўрсатувлар яратиш, электрон дас-турлар ишлаб чиқиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Видеоселектор ййгилишида мутасадди раҳбарлар ва ўқитувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ў.А.

ЗАМОНАВИЙ МАРКАЗ

республикада рақамли
иқтисодиётни ривожлантиришга
хизмат қилади

1-бет

– Шу кунгача жами 7 млн 400 мингтадан 6 млн 700 мингдан ор-тиқ (90%) ҳисоблагич ўрнатилиб, уларнинг қарийб 4 млн 330 мингтадан ортиғи биллинг тизимига уланган, яъни ҳисоб-китоблар автомат равишда амалга оширилмоқда – дейди Р. Мирсалихов. – Электр энергиясини ҳисобга олишни ав-томатлаштириш маркази (Data center)да бу борадаги ишлар мар-казлашган ҳолатда бошқариб бо-рилмоқда.

Президентимиз томонидан қабул қилинаётган иқтисодиётни ривожлантиришга оид муҳим ҳуж-жатлар салмоқли режалар тузиш, уларни изчил амалга оширишга ундайди. Дарҳақиқат, 2018 йил 23 октябрда “Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъ-минлаш чора-тадбирлари тўғри-сида” қабул қилинган қарор айтини мақсадларни амалга оширишда дастуруламал вазифасини ўта-моқда.

“КТ Corporation” компанияси ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ ўртасида 2019 йил январь ойида Электр энергиясини ҳисобга олиш-ни автоматлаштириш маркази ташкил этиш бўйича қўшимча ке-лишув битими имзоланган бўлиб, унинг доирасида молиявий ҳам-кор – ОТБ вакиллари иштирокида марказ биносининг ички қисmini тўлиқ реконструкция қилиш ва сер-вер қурилмаларини ўрнатиш орқали объектни ҳудудлардаги электр энергияси ҳисоблагичлари маъму-лотларини қайта ишлаш республи-ка ягона марказига интеграция қи-лиш ишлари бошланганди.



Маълумот ўрнида, дастлаб маз-кур лойиҳанинг умумий қиймати 1 млрд 243,2 млн АҚШ долларига тенг бўлган, кейинчалик 587 млн долларгача тушган. Лойиҳанинг илк босқичи Осий Тараққиёт бан-ки томонидан молиялаштирилиб, жами 150 млн доллар маблағ ажра-тилган.

– Жанубий Кореянинг “КТ Corporation” компанияси томони-дан субпудратчи сифатида Хитой-нинг KAIFA русумли ҳисоблагичла-ри олиб келинди ва 3 та худуд – Самарқанд, Жиззах ва Бухоро вилоятларига 1 млн 400 мингтаси ўрнатилиди, – сўзида давом этади Марказ директори. – Қолган худуд-ларга (6 млн. ҳисоблагич) маҳал-лилаштириш дастури асосида “Электрон ҳисоблагич” ҚҚ ва “Тош-электроаппарат” МЧЖлар томони-дан Корея компаниясининг ягона техник талаблари асосида Хитой маҳсулотидан қолишмаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган ҳисобла-гичлар ўрнатилиши режалашти-рилган. Шу ўринда таъкидлаган бўлардимки, барча ҳисоблагичлар-нинг кўрсаткичларини қабул қилиш ва етказиб беришда аниқлиқ да-ражаси бугунги кун талабларига жавоб беради.

Юқорида таъкидланганидек, айти пайтгача қарийб 4,5 млн ҳи-соблагич биллинг тизимига улан-ган. Бу борадаги кунлик режа 25-30 мингдан ортиқни ташкил этмоқда. Шу билан бирга трансформатор

пунктларига концентраторларни ўрнатиш ишлари жадал кетмоқда. Битта концентраторнинг ишлаш принципига тўхталадиган бўлсак, у ҳар ярим соатда 300 та истеъмол-чи кўрсаткичларини олади. Бундан ташқари, ҳисоблагичдан 100 тага яқин маълумот қабул қила олади.

Қайд этилганидек, ушбу тизим электр энергиясини фақат ўчириш ва ёқишни эмас, балки мутахассис-лар томонидан вилоят ёки туманга кириб борган электр энергиясини истеъмолчига етказишгача бўл-ган жараёни назорат қилишга хизмат қилади. Электр энергия-си истеъмолида йўқотишларга, ноҳақ қарздорлик келиб чиқиши ва ҳоказоларга имконият умуман қолдирмайди. Ҳар бир истеъмолчи кесимида электр энергия миқдо-ри шаклланади. Бирор ноқонуний ҳаракат қилаётган истеъмолчилар ҳақида ҳисоблагичнинг ўзи сиг-нал беради, масалан, ҳисоблагич қопқоғини очишга уриниш, магнит майдонини ҳосил қилиш ва ҳока-золар.

Таъкидлаш жоизки, АСКУЭ ти-зимини жорий этишдан асосий мақсад истеъмолчи ва таъминот-чи ўртасидаги шаффофликни таъ-минлаш, етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китобларга аниқлик киритиш, шу билан бир-га, истеъмолчилар ўртасида фой-даланган электр энергияси учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш. Бу дегани, эндиликда тўловсиз бит-та тумсачини босиб, ёқиб юбориш-ни туман ёки вилоят ЭТК ходимла-ри қила олмайдди.

– Тизим тўлиқ ишга тушгани-дан сўнг, тарифларга кўра, аҳоли-нинг турли қатламлари таҳлилини аниқлаб, айнан уларни ажратиб бе-

Бунёдкорликка мустаҳкам асос

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Кейинги йилларда Наманганнинг Поп туманида бунёдкорлик ва ободончилик ишлари кенгайиб бормоқда. Олис қишлоқларда қад кўтараятган янги бинолар барчани қувонтиряпти. Турар жойлар қатори маданий-маиший, ишлаб чиқариш объектлари қад ростлаяпти. Мустаҳкам моддий-техник негизга эга пудрат ташкилотлар сони ортиб бормоқда.

– Нафақат туман марказида, балки қишлоқларда ҳам қурилишларга дуч келасиз, – деди Санг қишлоғи-да ашовчи меҳнат фахрийси Усмонжон Султонов. – Муҳими, қурилиш материаллари саноатини ривож-

лантиришга ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Бу эса, қурилиш ҳажмини янада кўпайтириш учун асос бўла-ди. Ёшлигимда ғишт заводида ишлаганим учун буни жуда яхши тушунам.

Отаҳон ақинда туманда ишга туширилган ва маҳ-сулот бера бошлаган “Поп-Кувасой лидер” МЧЖга қа-рашли корхонада бўлганини айтиб берди. У йилга 600 минг дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга экан. Бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнлари тўла механиз-ациялаштирилган ва автоматлаштирилган. Технология ҳам замонавий бўлиб, махсулот сифати юқориликни таъминлайди. Бунинг учун 7 миллиард сўмлик инвес-тиция киритилгани диққатга сазовордир.

Айни пайтда корхонада чиқиндини қайта ишлай-диган завод қурилиши бошланган. У 5 миллиард сўм сармоя эвазига барпо этилади ва иккиламчи хом ашё-дан турли хил бинокорлик материаллари тайёрлашга ихтисослашади.

Велосипедлар экспорт қилинмоқда

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш орқали хорижий сармоядорларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш, янги савдо йўллариини очишда эркин иқтисодий зоналар муҳим роль ўйнашини бугунги ҳаёт исботламоқда. Шу боис юртимизда ана шундай худудлар ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

“Қўқон” эркин иқтисодий зона-си бугун ривожланиш палласида бўлиб, ўтган даврда бу ерда қий-мати 119 миллион АҚШ долларлик 46 та лойиҳа амалга оширилди ва қарийб 4 000 та янги иш ўринлари яратилди. Янги фойдаланишга топ-ширилаётган корхоналарда ҳам сифатли ва рақобатбардош маҳсу-лотлар тайёрланмоқда.

Эркин иқтисодий зонада таш-кил этилган истиқболли лойиҳа-лардан яна бири 3,4 миллион АҚШ долларга яқин инвестиция кири-тилган “Kokand Biscuies” хусусий корхонасидир. Унинг таъсисчиси Муҳсинбек Абдурахимов ЭИЗ худу-дида 2018 йилда иш бошлаган. Унга қадар Қўқон шахридаги ўз хонадо-нида велосипедларни йиғиш билан



шугулланиб келган. 2020 йили корхонада MBF марка-си остида 170 мингдан зиёд велосипед ишлаб чиқарилди. Ҳозирда 200 нафар иш ўрни яратган тадбиркор йил бошидан Қирғизистонга велосипедлар экспортини амалга оширди.

– Учкўприк туманида-ги касб-хунар коллежини тамомлаб, корхонага ишга келганмида икки йилдан ошди, – деди йиғувчи уста Салоҳиддин Расулжонов.

– Ҳар ойда белгиланган режани бажаряпмиз. Корхона раҳбария-ти ишчилар сонини кўпайтириш мақсадида худуддаги умумтаълим мактаблари билан алоқани мус-



Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар
Муаллиф олган суратлар.

таҳкамлаб, юқори синф ўқувчила-ри учун экскурсиялар уюштириб, уларнинг касбга бўлган қизиқиш-ларини шакллантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Дехқон бозори янги қиёфада

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Архитектура йўл лойиҳа” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан, “Чирчиқ дехқон бозори” МЧЖга ажратиб берилган 3,90 га ер майдонда 10 та 2 қаватли биноларнинг 7 тасида умумий қиймати 27,7 млрд сўмлик маблағ ҳисобидан қурилиш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда ишга туширилган савдо расталарида 480 та янги иш ўринлари яратилди. Реконструкция ишларини амалга ошириш учун “Ўз-саноатқурилишбанк” Чирчиқ шаҳар филиалидан 6,0 млрд сўм кредит олинган бўлиб, бугунги кунга қадар 24,0 млрд сўмлик қурилиш ишлари ба-жарилган.

Қурилиш ишлари шу йилнинг ок-тябрь ойида якунланиши режалашти-рилган.

180 нафар кичкинтой қатнайдиغان маскан

Чирчиқ шахридаги Бахт маҳалласида жойлашган 7-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти янги қиёфада кўплаб кичкинтойларни ўз бағрига олди.

Муассаса эскирган ва ҳеч қандай шароити йўқ ҳолатга келиб қолган, унинг қуввати дастлаб 100 ўринли бўлган эди. Қурилиш-реконструкция ишларидан сўнг, 180 нафар кичкин-тойнинг таълим-тарбияси амалга оши-рилиши учун шароитлар яратилди.

Реконструкция ва қурилиш ишла-ри “РИЗО” МЧЖ томонидан амалга оширилди. Шунингдек, бу жойда ёғзи ошхона биноси, ер ости ва ер усти ом-борхоналари сингари қўшимча иншо-отлар ҳам бунёд этилди.

«Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозлиқЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@gmail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рухсатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-543.
2544 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳриси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайдди ва муаллифга қайтарилимайди.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Набатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Набатчи – Р. Хўжаева.

Ў.А. якуни – 22.20. Топширилди – 00.55.



9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

ҳамда яқинлашиб келаётган

Муборак Рамазон ҳайити

муносабати билан барча юртдошларимизни табриклаймиз.

Юртимиз тинч, ҳаётимиз осуда кунларга бой бўлсин.

Эзгу амалларингиз ижобат бўлиб,
қалбингиз доимо қувончга тўлсин!



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги


Райхона ХҲЖАЕВА,
Ислон ИБОДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбирлари.

Ҳар тонг кўзимизни очар эканмиз, илк каломимиз албатта, соғ-саломат уйғонганимизга шукрона келтириш бўлади. Биласизми, инсон қачон бежавотир яшайди? Қачон тунлари осуда, кунлари тинч ўтади? Албатта, юрт тинч, обод ва фаровон бўлсагина.

Азалдан тинчликсевар халқмиз. Бу ғоя тарғибига бағишланган буюк миллий-маънавий меросимиз бор. Уларнинг барида тинчликнинг қадрига етиш тарғиб этилади, уруш эса батамом қораланади. 9-майни Хотира ва Қадрлаш куни, дея умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад мужассам. Бу байрам нафақат Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган инсонлар хотирасини, балки фронт ортида меҳнат қилган ва бугун сафимизда юрган фахрийларни ҳам қадрлашни ўргатди.

Байрам ўша-ўша. Аммо уни ҳар йили ўзгача тарзда нишонлашга одатландик. Шу боис, бу йилги Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик жараёни, юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқиш мақсадида пойтахтимизнинг бир қатор майдонларини кездик.

ХОТИРА МАЙДОНИ



Илк манзилимиз – Мустақиллик майдонидаги Хотира хиёбони бўлди. Хиёбон ҳар доимгидан-да гавжум. Тошкент шаҳри марказида қад ростлаган ушбу меъморий мажмуа 1999 йил Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ташаббуси билан қайтадан барпо этилган. Ёмбоннинг узунлиги 60 метр бўлиб, унинг шимол ва жануб томонида айвонлар қад кўтарган. Айвонлар токчаларига ўрнатилган металл саҳифаларга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик жангчиларнинг исм-шарифи битилган. Хотира китоби саҳифаларини бир-бир очиб кўраётган киши эътиборимизни тортиди.

– Бобонгизини исмини қидирясизми, – дея сўрадик ундан.

– Йўғ-э, биз Тошкент механика заводидан келдик, байрам олдидан Хотира китобининг таъмирталаб жойларини кўздан кечиряптимиз.

Ўзини Одилбек Аҳмедов дея таништирган юртдошимиз заводда бўёқчилик цехи бошлигининг ўринбосари бўлиб хизмат қилар экан. У кишининг айтишича, ҳар йили завод ишчилари байрамдан олдин келиб, китоблар ҳолатини текшириб кўрар, синган, бузилган жойларини тузатиб, ранги ўчган харфларни қайтадан бўшаркан.

– Бу китобни 1996 йили ясалиш жараёнида иштирок этганмиз, – деди О. Аҳмедов. – Ўша пайтдаги Тошкент авиа-созлик заводига китоб саҳифалари тайёрланган. Харфлар заводимиз ходимлари томонидан саноат усулида ўйиб ёзилган. 2018 йилда байналмилал урушида қатнашганлар рўйхати қўшилгач, китоб саҳифалари 10 мингга яқинлашди. Алюминий қотишмасидан тайёрланган саҳифалар мустаҳкам бўлиб, қор-ёмғир ва қуёш нурига чидамли.

Хотира майдонига келган киши борки, мангу олов ёнида маънос боқиб турган Мотамсаро она ҳайкалини кўрмай кетмайди. Ҳайкал ёнида эгиларига бир хил ҳарбий либос кийган ўғил-қизларнинг берилиб шеър айтётганини кўрдик. Жажжи болакайларнинг баъзилари Мотамсаро онага ҳайрат билан бокса, бошқаси мангу оловга қизиқсиниб қарайди. Улардан бирини гапга тутдик.

- Хой, қизча, исминг нима?
- Ифора.
- Қайси мактабда ўқийсан?
- Тошкент шахридига “Diplomat International School”-нинг 1-синф ўқувчисиман.
- Хотира майдонини томоша қилгани келибсизлар-да?
- Йўўқ, – деди жиддий оҳангда қизалоқ. – Хотира ва Қадрлаш кунига атаб видеоролик тайёрлашга келдик. Ҳеч қачон уруш бўлмаслиги учун. Ватанимизни яхши кўришимиз, асрашимиз шарт. Бунинг учун боболаримиз ҳақида кўп нарса билишимиз керак.

Шу пайт ўқувчиларини навбат билан камера қаршисига қорлаб, шеър айттираётган устози суҳбатимизга қўшилди.

– Хотира ва Қадрлаш байрамининг мазмун-моҳиятини чуқурроқ ҳис қилиши учун ўқувчиларимни бу майдонга саёхатга олиб келдим, – деди ўзини Ольга Садикова дея таништирган 1-“В” синф муаллимаси. – Мактабимизда ҳар йили бу байрам катта тайёргарлик билан нишонланади. Ўқувчилар томонидан шеър ва қўшиқлар айтилиб, катта концерт намоиш этилади. Видеоролик тайёрлаб байрамда мактабимизда кўрсатмоқчимиз. Бундан олдин “Ғалаба боғи”га ҳам бордик. Боғ болаларга жуда ёқди. Айниқса, “Шон-шараф” музейига кириб, урушнинг ҳақиқий ваҳимасини ҳис қилгандай бўлишди. Экспонатлар ҳақидаги ҳикояни тинглаб, “Сен етим эмассан” фильмини томоша қилган болаларнинг баъзилари саёхатдан қайтгач, ҳатто йиғлашди. Ўша пайтда юртимизга олиб келинган болаларнинг тақдир ҳақида эшитган ўқувчилар қалбида урушга нисбатан нафрат уйғонди. Бу каби майдон ва боғларга олиб келишдан мақсадимиз ҳам аслида шу – уларга тинч ва осуда юртда яшаётганидан қувонишни ўргатишдир.

Майдонда ободонлаштириш ишлари ҳам қизгин бораётганига гувоҳ бўлдик.

– Қишки гуллар ўрнига ёзгиларини экаямиз, – дейди Мустиқиллик майдони кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва сақлаш департаменти ходимаси Моҳира Яйловова. – 9-май Хотира ва Қадрлаш куни арафасида боғимиз янада чирой очади. Дарахтларга шакл бериб, ортиқча шохлари кесиб ташланади. Қуриб қолган арчалар ўрнига янгилари экилди. Бу йил айниқса, каштан дарахти кўчатлари кўпроқ экилди. Обод юртда тинчлик бўлади, деганларидек, биз ҳам ўз меҳнатимиз орқали юртимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Бу юртда ҳар бир инсон ҚАДРЛАНАДИ

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ ХИЁБОНИ



Бўзсув каналининг сокин оқиши бу ерга келган кишида маҳзун кайфият уйғотади. Бунга ҳамоҳанг равишда хиёбоннинг салобатли гумбазлари-ю, пурвиқор устунлари ҳам олис ўтмиш воқеаларини ёдга солган. Бу кайфият бежиз пайдо бўлмаса керак. Зеро, бу ер минглаб беғуноҳ аждодларимиз руҳи мангу маком топган муқаддас маскандир. Уларнинг ёрқин хотираси ҳар бир ўзбек қалбида мангу яшаши шубҳасиз.

Собик Совет Иттифоқи йилларида турли сиёсий, ижтимоий, ғоявий, диний сабабларга кўра, миллионлаб одамлар қатағонга дучор бўлди. Қатагон қурбонлари ҳақида ҳалигача аниқ маълумотлар мажбур эмас. Сақланиб қолганларни шуни кўрсатадики, 1921–1953 йиллар орасида тўрт миллиондан ортиқ одам қатагон қурбонига айланган. Улардан 800 минг киши ўлим жазосига ҳукм этилган.

Қатагон сиёсатининг энг юқори чўққига чиққан нуқта-си 1937-1938 йилларга тўғри келади. Шу йиллар мобайнида 1,3 миллион киши ҳибсга олинган. Ўзбекистонда 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача 10 700 киши қамоққа ташланади. Булардан 3 613 киши қатл этилиб, 7 087 ҳамюртимизга ўн йилгача муддатга қамоқ жазоси тайинланган.

Озодлик йўлида қурбон бўлганларнинг хотирасини

тиклаш мақсадида 2002 йилда “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи ташкил қилинди. Музей майдон марказида жойлашган бўлиб, унга янада кўрк ва файз бағишлаб турибди. Девоҳларга музейни бўлимларга ажратувчи, мавзуларга оид, ўша даврларга хос лавҳалар осилган. Учта зал ва ўн бўлимдан иборат музейнинг биринчи залида Урта Осиёнинг Чор Россияси томонидан босиб олиниши ва бунга қарши кўтарилган халқ қўзғолонларидан тортиб, ўтган асрнинг 30-йиллари бошларида рўй берган сиёсий қатагонларгача бўлган воқеалар билан танишиш мумкин. Иккинчи залдаги экспонатлар 1937-1938, 1940-1950 йиллардаги сиёсий қатагонлар ҳамда 80-йиллардаги “пахта иши” ҳақида ҳикоя қилади. Навбатдаги зал эса, бугунги дориломон кунларгача бўлган тарихий йўлларнинг босиб ўтилиши, Мустиқиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатагон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, миллий қадриятлари асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган оламшумул ишларга бағишланади. Ҳар бир бўлимда ўша даврга оид ҳужжатлар, махфий қоғозлар, расмлар, давр лавҳалари ва экспонатлар мавжуд.

Айни пайтда мажмуада катта ҳажмдаги реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Ҳукумат қарори билан мажмуада ободонлаштириш ва бир қатор қурилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

– “Шаҳидлар хотираси” мажмуасида лойиҳа таклифлари асосида лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда, – деди Қурилиш вазирлиги ўринбосари Насрулло Бобоев. – Албатта, аввало, ҳудуд тўлиқ инструментал текширувдан ўтказилиб, муҳандислик қидирув ишлари амалга оширилади. Эндиликда Шаҳидлар хотираси мажмуаси ватан ва маърифат қурбонлари шарафига ангидан таъмирланиб, янада кўркам, салобатли кўриниш касб этади.



УРУШНИНГ БАХТСИЗ БОЛАЛАРИ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида умумий ҳисобда 27 миллион собоқ Иттифоқ аскарлари ҳалок бўлди. Бу нафақат ўша давр, балки ҳозирги кун учун-да катта рақам ҳисобланади. Маълумотларга кўра, Биринчи жаҳон урушида қурбон бўлган 9 ярим миллион одамнинг 95 фоизи аскар, 5 фоизи аскар бўлмаган оддий табақа вакиллари бўлса, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг 2/3 қисми ёки 70 фоизга яқини оддий колхоз ёки саноат ишчилари эди. Шунинг ўзиёқ урушнинг инсонияти учун қандай талафотлар келтирилганини кўрсатади. Урушда дунё бўйича бир миллион бола азоб-уқубат, қийноқ ёки фашист лагерларида ҳаётдан кўз юмди.

– Уруш бошланганда олти ёшда эдим, – дейди меҳнат фахрийси Незъматжон Раҳматов. – Урушнинг дастлабки йилидан далада отга омон қўшиб, ер ҳайдардим. У даврларнинг мушкулотини таърифлаб бериш қийин. 1945 йилга қадар ўзим қатори болаларнинг боши ишдан чиқмади. Катталар қиладиган юмушларни ҳам бажаришга мажбур эдик. Уруш тугагач мактабда савод чиқардим. Очарчилик даврларини бошимиздан ўтказдик. Учта тоғам урушда қатнашди. Жуда кўп қариндошларимиз фронтларда беҳаракат йўқолиб кетди.

– Қайнотам Шарифжон Абдуллаев Сталинград оstonасидаги жангларда қатнашиб, қаҳрамонлик кўрсатган, – дея хотирлади Республика буюбжонлар мактаби ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Муқима Абдуллаева. – У киши 1944 йили яраланиб, ногиронлиги учун ватанга қайтди. Уруш тугаб, ҳамма ғалабани байрам қилаётган 1945

йилда қиз фарзандли бўлади. Ғалабадан қувонган қайнотам қизи, яъни қайнопамнинг исмини Муборак деб қўйган. Қайнотам келинлари ўғилларига, набираларига бир гапни таъкидлашдан чарчамасди: “Болаларим, тинчликни қадрига етинг, ҳеч бир нарсани увор қилманг”. Юртимиз мустакил бўлиб, яхши яшасак-да, ўша машъум уруш даврлари у кишининг хотирасида умрбод муҳрланиб қолганди. Онам томондан бобом Алиохун Жумабоев ҳам урушда қатнашган. Инсон умрининг бир сонияда поёнига етиши ҳеч гап эмаслигини ўз кўзи билан кўрган, қалбдан ҳис қилган бобом бир умр ҳалол яшаб, меҳнат қилиб, шу меҳнатидан қадр топиб яшади. 75 ёшда вафот этган бобом “Сталинград мудофааси” медали соҳиби бўлган.

ҒАЛАБА БОҒИ



Бу ерда ҳам юртдошларимиз гуруҳ-гуруҳ бўлиб, сайр қилмоқда. Уруш даври воқеаларини акс эттирувчи ҳар бир композиция уларда катта қизиқиш уйғотаётгани юз-қўзида акс этган ҳайрат туйғусида ҳам намоён.

Қурилиш вазири Батир Закиров бир интервьюсида шундай деганди: “Ғалаба боғи шундай қурилганки, унга кирган киши уруш даҳшатини ҳис қилади, беихтиёр тинч ва осуда замонда яшаётганига шукрона айтади”. Бу фикрнинг нечоғли тўғри эканини билиш мақсадида юртдошларимизнинг таассуротлари билан қизиқдик.

“Урушнинг даҳшатли қиёфаси” ва “Фронт орти ҳудуди”, “Матонат мадҳияси” композицияси ҳамда “Қувонч” фавворасини томоша қилиб, “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейига етиб келдик. Музейга кираверишда Ўзбекистондаги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ва Ўзбекистон Республикаси “Узархив” агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган “Хотира саҳифалари” архив фото кўргазмасини томоша қилгач, ичкарига шошилдик.

Шу пайт мажлислар залидан бир гуруҳ нурунийлар чиқиб келишди. Уларга бошчилик қилаётган отахондан қардан келишганини сўрадик.

– Тошкент вилоятининг 22 та туманидан тўпланган 100 га яқин фахрийни Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан пойтахтга саёхатга олиб келдик, – деди Тошкент вилояти “Нуруний” жамғармаси раиси Мирғиёс Мирзааҳмедов. – Вилоятимизда пенсионерлар 345 871 нафар бўлиб, шундан 100 ва ундан ошганлар 47 кишини ташкил қилади. Уруш қатнашчилари 50 га яқин бўлиб, фронт ортида меҳнат қилганлар 1 022 кишидан иборат. Вилоят транспорт бошқармаси томонидан автобуслар ажратилди. Аввал Республика “Нуруний” жамғармасига бордик. Сўнгра, Ғалаба боғини томоша қилдик. Зулфия она ҳайкали пойига гулчамбар қўйдик. Гуруҳимиз таркибида асосан ёши улуг инсонлар бўлишига қармай, боғдаги ҳар бир детални қизиқиш билан томоша қилдик. Урушни кўрмаган бўлсак-да, кўпчилигимиз ўша пайтда ёш бола бўлганмиз, ота-боболаримиздан эшитганларимизни яна бир бор эсладик. Ўша давр, ўша замон, ўша муҳитни ҳис қилгандек бўлдик. Кечки пайт меҳнат фахрийларига атаб Нурафшон шаҳридаги “Ҳумо” тўйхонасида ифторлик дастурхони ёзиб, эсдалик совғалари ва пул мукофотларини топширмоқчимиз.

Демак, Хотира ва Қадрлаш куни фақат вафот этган ёки урушда қатнашганларни эслаш эмас, тирикларнинг ҳам қадрига етиш, борлигида эъозлашдек гўзал ғояларни ўзида мужассам этганига яна бир қарра амин бўлдик.

“Шон-шараф” музейида нуруний ва фахрийлардан ташқари, мактаб ўқувчилари, талабалар ва оилавий томоша қилиб юрганларни ҳам учратдик. Тўрт нафар фарзанди билан ҳар бир эксонатни қизиқиш томоша қилаётган ёш оиланинг таассуротини билишга қизиқдик.

– Катта бобом Мардонбек Раҳимов Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, бир қўлидан айрилиб келганди, – дейди Дилора исмли тошкентлик юртдошимиз. – Бобом тирикчилигида олти ёшда эдим. Биттагина қўли билан ҳам биз чевараларга тарвуз-қовунларни чиройли қилиб кесиб берадди. Бола бўлган эканмиз-да, “Битта қўлингиз нега йўқ, бобо?” деб тинмай сўрайверардик. У киши қулиб, “Сизларни асраш учун битта қўлингизни узокларга ташлаб келганман” дердилар. Бу гапни қулиб айтган бўлсалар ҳам, ўша дамида чеккан изтироби, орқикларини эсимни танганимдан кейингина ҳис қилдим. Шу боис, гўдаклигиданқо юртимиз тинчлиги учун жанг қилган, жан берган ота-боболаримизни танитиш мақсадида фарзандларим билан ушбу боққа келдик...

76 йил. Бир қарасангиз ҳеч қандай маънога эга эмасдек. Аммо бир инсон умрига тенг бўлган бу муддат юзлаб, минглаб қалбларда ҳамоно ўз таъсирини йўқотмаган. Бу байрам бизга нафақат ўтган йилларни хотирлашни, балки ёнимиздаги инсонларни тирикчилигида, борлигида қадрлашни ўргатгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Қорақўлликларнинг фахри эди

Зухриддин АҲАДОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бухоролик уруш қатнашчиси Элмурод Жўраев бағрикенг инсон бўлган. У кишини нафақат туманда, балки вилоятда кўпчилик танир, ҳамиша чехраси очик, юз-қўзларидан нур таралиб турар, суҳбатлари ширин, давраси файзли бўларди. Уруш тўғрисида сўз очилса, отахоннинг бошини ушлаб, кўзларини олис бир нуқтага қадаб “уф” тортганлари, “Урушнинг оти ўчсин, бизлар кўрдик, азобини тортибди у машъум йилларнинг. Сизлар ҳеч қачон кўрманг, ундай ёмон кунларни”, деганлари ҳамон кулоқларимиз остида жаранглаб туради.

Элмурод Жўраев Қорақўл туманининг Кемачи қишлоғида таваллуд топган. Болалиги далада – пахтазорда кечган. У ўққизинчи синфни битирган йили Иккинчи жаҳон уруши бошланади. 1942 йили эндигина аттестатни олган Элмурод синфдошлари билан биргалик-

да туман ҳарбий комиссариатида бўлиб, Ватан ҳимоясига бориш учун ариза ёзишади.

Бўлғуси ёш аскарлар чиққан поезд Тула шахрига етиб келади. Бу ерда уч ойлик ёш командирлар тайёрлаш курси бўлиб, у ҳам шу курсда ўқишга қолдирилади. Курсни тугатган

унинг сафдошлари Тула ҳужумкор ҳарбий ҳаракати қўшинлари сафига сафарбар қилинди.

– Тула йўналишидаги операция қалбимда абадий муҳрланган, – дея эслаганди Элмурод бобо суҳбатларнинг бирида. – Кечагина ҳарбий кийим кийиб, қўлига қурол олган, уч ой давомида аудиторияларда бирга ўтириб, командирлик сирларини ўрганган сафдошларимдан қарийб етмиш фоизи бу жангларда қурбон бўлди. Буни эслаш жуда оғир.

Взвод командири Элмурод Жўраевнинг кўксига бу жангларда кўрсатган мардлик ва жасорати учун “Шуҳрат” медали тақиб қўйилди.

Урушнинг оғир йилларида взвод командири сифатида ҳаракатдаги армия таркибида Россия, Беларус, Украина, Польша, Чехословакиянинг бир қатор шаҳарларини душмандан

озод қилишда қатнашиб, кўплаб мукофотлар соҳиби бўлди, жангларда бир неча марта енгил яраланиб, госпиталларда даволаниб чиққач, яна жангга кирганди. Ғалабани Берлин яқинидаги Бранденбург шаҳрида кутиб олган Элмурод Жўраев уруш тугайдан кейин 1949 йилнинг ёз фаслида кўкси тўла нишонлар билан Қорақўлга қайтиб келади. У туман ИИБ хузуридаги архив бўлимининг раҳбари этиб тайинланади. Шу тариқа у ўзининг бутун ҳаётини маъзур тизим билан чамбарчас боғлаб, 40 йил сидқидилдан меҳнат қилди.

Элмурод Жўраев фаолияти давомида бир неча шоғирдлар тайёрлаган, ҳатто нафақага чиққанидан кейин 15-20 йил ўтган бўлса-да, соҳа ходимлари унинг уйига келиб иш юзасидан маслаҳатлар олишарди. Меҳнат фаолияти даврида самарали хизматлари учун вилоят ва республика раҳбариятининг кўплаб фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Элмурод ота умр йўлдоши Эргашой ая билан уч ўғил ва олти қизни тарбиялаб, вояга етказган. Ҳозирги пайтда катта ўғли Суворон

Жўраев масъулиятли лавозимда эл қорига яраётган бўлса, кенжаси Усмон Жўраев тадбиркор. Қизлари Хурсаной, Раънохон, Роҳатой турли корхона ва ташкилотларда сидқидилдан хизмат қилиб, нафақага қиқишган. Ойшахон, Фотимахон ва Райхонийлар эса ўзлари танлаган касбларда садоқат билан меҳнат қилмоқда. Элмурод бобо ҳаётлик даврида 26 неварадан 18 нафарининг никоҳ тўйида бошқош бўлган.

Истиқболимизнинг мунаввар тонгини шодлик ва хурамлик билан қаршилаган Элмурод бобо Жўраев кўлларини дуога очиб: “Шундай ёруғ кунларга етказганига шукр!” дерди ҳамиша. Бу кунларга етганлар ва етмаганлар борлигини уқитлар, мустиқиллик буюк неъмат, унинг қадрига етишимиз ҳам қарз, ҳам фарз эканини тақдор ва тақдор айтишдан чарчамасди.

Элмурод бобо Жўраев 2017 йил 96 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Умрини она Ватанимиз тараққиётига, халқимиз озодлиги ва фаровонлигига бағишлаган отахонни юртдошларимиз фахр ва гурур билан эслашади.

Шогирдлар қалбига барҳаёт устозлар

Райҳона ХҲЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Инсон қайси касбини эгаллашдан қатъи назар, албатта унинг устози бўлади. Хоҳ таълим берган бўлсин, хоҳ хунар ўргатсин, барибир устоз ҳисобланади. Шундай устозлар борки, улар шогирдларига худди онасидек, отасидек бўлиб қолади. Уларга нафақат дунёвий илм, балки ҳаётий сабоқлари билан ҳам устозлик қилган бўлади. Бундай инсонлар юртга нафақат шогирдлар тайёрлашади, балки ўзларидан кейин умрбоқий ёдгорлик қолдириб кетишади.



Шундай заҳматкаш инсонлардан бири, ўз касбининг фидойиси, жонқуяр олим, архитектура фанлари доктори, профессор, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор”, санъат, архитектура, адабиёт соҳасида Давлат мукофоти совриндори, Шарқ давлатлари Халқаро архитекторлар академияси академиги – Тўлқиной Қодировадир. Тўлқиной опа 1935 йил 27 июлда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган.

У 1953 йили Тошкентдаги 20-мактабни олтин медал билан тамомлаб, Ўрта Осиё политехника институтининг архитектура бўлимига ўқишга кирган. Ўқиши давомида энг нуфузли Давлат стипендиясига муносиб қўрилган. Ўрта Осиё Политехника институтининг имтиёзли диплом билан тугаллаб, “Ўзгоспроект” лойиҳалаш институтида архитектор-стажёр лавозимида ижодий фаолиятни бошлаган опа бу ерда таниқли архитекторлар Б. Трофимов, В. Березин, И. Рачинская раҳбарлигида бир қатор лойиҳаларни бажарган. Кейинчалик қуриб битказилган бир қанча объектлар, яъни Чилонзор–Муқимий экспериментал квартал, боғча-ясилар, мактаблар, савдо мажмуалари шулар жумласидандир.

1959–1966 йилларда Санъатшунослик институтида илмий ходим лавозимда ишлаган Тўлқиной Қодирова устози Галина Анатольевна Пугаченкова раҳбарлигида “Ўзбекистоннинг замонавий архитектураси” мавзусида номзодлик ишини муваффақиятли ёқлади. Унинг илмий ишлари Москвадаги нуфузли кўпжыллик “История искусств народов СССР”, “История искусств Узбекистана” китобларида чоп этилиб, I даражали дипломлар билан тақдирланган.

У Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси раис вазири бўлиб, уюшма раиси вазифаларида фаолият юритиб, катта масъулият, чуқур билим, иқтидор талаб этадиган бундай лавозимларни узоқ йиллар давомида шараф билан бажарди. Меҳнат фаолияти давомида аввалига собиқ иттифок даврида ҳамда кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати этиб ҳам сайланди.

Тўлқиной Қодирова ўз вақтида Ўзбекистон Архитекторлар уюшмасини меъморларнинг ҳақиқий ижод марказига айлантирган шахс ҳисобланиб, республика архитекторларининг ишини қатор нуфузли анжуманларда намоён этишда катта ҳисса қўшган. Катта тажрибага эга опа Халқаро архитектура ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлашга эришди.



Хамза Убайдуллаев ҳам камтарлик, инсонийлик каби хислатларни ўзидан шогирдларига бера олган устозлар сирасига қиради. У киши Халқаро архитектура академиясининг академиги, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор” каби нуфузли унвонлар соҳиби.

У 1939 йилнинг 10 августига Тошкент шаҳрида таваллуд топган бўлиб, ўзининг илмий салоҳияти ва мураббийлик маҳорати билан республикаимиз зиёлилари орасида алоҳида ҳурмат қозонган эди. Жонқуяр олим меҳнат фаолияти давомида ўз соҳасининг етук намоёнчаси, меҳрибон ва ғамхўр устоз, талабчан ҳамда ташкилотчи раҳбар эканини намоён қилган.

Хамза Убайдуллаев 1963 йилда Ўрта Осиё политехника институтини Архитектура мутахассислиги бўйича тугатди. Москва Архитектура институтига аспирантурасида тахсил олиб, номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилган. Ўзининг 45 йилдан ортиқ амалий ва педагогик фаолиятини Ўзбекистонда архитектура мактабининг тараққиётига, ёш мутахассисларни

Тўлқиной Қодирова меҳнат фаолияти давомида архитектура фани ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Унинг 200 га яқин асарлари чоп этилиб, 30 га яқини китоб ва ўқув қўлланмалар шаклида босмадан чиқарилган. Олима шунингдек, Ўзбекистон тажрибасини умумлаштирувчи, унинг назарий йўналишларини акс эттирувчи қатор монографиялар, илмий-оммабоп асарлар ҳам яратган. У Россия, Украина, Болтиқбўйи, Ўрта Осиё ва бошқа кўплаб республикаларнинг таниқли архитекторлари, хорижий олимлар билан бевосита мулоқотни йўлга қўйган. Шу сабабли бир неча бор чет мамлакатларда ўтказилган халқаро Конгресс ва анжуманларда иштирок этди. Хусусан, Варна, Колумбия, Кохира, Брайтон, Монреал, Берлин, Лахор, Истанбул, Токио, Нью-Йорк, Москва каби шаҳарларда қилган маърузаларида шаҳарларни қайта тиклаш, архитектураимизнинг ўзига хос хусусият ва анъаналари, муаммолари ҳақида сўз юритди.

Тўлқиной Қодированинг мустақил ва ҳамкорликда яратган бир неча лойиҳалари ўзининг ижобий баҳосини олган. Жумладан, Бухоро, Наманган, Қўқон шаҳарлари маркази, монументал санъат асарлари Архитекторлар ҳамда Рассомлар уюшмалари, Халқаро архитекторлар академиясининг мукофотлари, диплом ва ёрлиқлари билан тақдирланган.

Шуни эътироф этиш жоизки, Тўлқиной Қодирова ўз илмий-амалий фаолияти билан бирга педагогик ишларни ҳам мунтазам олиб борди. У ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида Тошкент политехника институти ва ТошДУ (ҳозирда Миллий университет)да замонавий архитектура тарихидан маърузалар ўқиди. 1992 йилдан буён эса ТАҚИда МДХ архитектораси, Ўзбекистоннинг замонавий архитектураси ва чет эл архитектураси курслари бўйича маърузалар қилди. Шунингдек, унинг раҳбарлигида кўплаб магистрлик ва номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг профессор илмий унвони бўлишига қарамасдан ёшларга ибрат кўрсатиш учун 2008 йил улўғ ёшида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Таниқли олимга Тўлқиной Қодирова 2014 йил 79 ёшида оламдан ўтди.

етиштиришдек хайрли ҳамда машаққатли ишга бағишлаган.

У турли лавозимларда ишлаш билан бирга салмоқли илмий-педагогик фаолият ва амалий иш билан ҳам шугулланиб, раҳбарлиги остида 11 та номзодлик, 30 дан ортиқ магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

1991 йилдан ТАҚИ Архитектуравий лойиҳалаш кафедрасининг мудир сифатида фаолият юритган устоз умрининг энг катта қисмини ёш авлод тарбиясига бағишлаган.

– Гарчанд у киши 2012 йил 73 ёшида вафот этган бўлса-да, буюк олим ва меҳрибон устоз сифатида биз шогирдлар қалбига умрбод ашайди, – дейди олимнинг кенжа шогирди Шукрулло Юнусов. – Устоз ўз ватанининг тарихини яхши биладиган, илм-фан, маданият ва санъат, архитектура соҳасининг етук билимдони бўлиб, нафақат ўз касбининг устаси, балки ҳақиқий инсон ҳам эди. ТАҚИ Архитектура факультети доценти, архитектура фанлари номзоди бўлиб етиштишда у кишининг ҳиссаси катта. Икки ўғил, икки қиз, 8 неварадан иборат катта оилани бошқарган устозимиз 11 нафар шогирдини фан номзоди сифатида тайёрлаб, юрт хизматига камарбаста қилишга ҳам улгурди.

Айни кунларда архитектура ва қурилиш соҳасида фаолият юритаётган энг маҳоратли, тажрибали, ўз касбининг фидойилари ҳисобланган мутахассисларнинг аксарияти юқорида тилга олинган устозларнинг шогирдлари саналади.

Бугун бу икки устоз экиб кетган кўчатлар аллақачон боғ бўлиб, мевалари халқни хурсанд қилишга ҳам улгурди. “Кимнинг шогирдсан?” дея кунда-кунора сўраладиган сўроқнинг жавобида ҳар гал такрорланадиган номилар орқали улар мангу барҳаёт яшайдилар.

ХОТИРА АБАДИЙ, ҚАДР МУҚАДДАС

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Одилжон Қодиров узоқ йиллар Наманган вилоятидаги қурилиш ташкилотларида ишлаган, касби архитектор. Ҳозир ҳам нафақада бўлса-да, фаолиятини давом эттириб, ёшларга устозлик қилмоқда. Хотира ва Қадрлаш кўни арафасида у киши билан мулоқотимиз қурилиш соҳасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган инсонлар ҳақида бўлди.

– Барча бунёдкорлар, меъмору муҳандислар ва лойиҳачи мутахассисларнинг ҳаёт йўллари ибрат бўлиб, хотирамизда яшайди, – деди О. Қодиров. – Меҳнатлари маҳсули эса доимо куч-қувват бахш этиб туради, буюк ишларни қилишга чорлайди.

Қурилиш соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган инсонларни эсга олиб, хотирлаш, тирикларини эса қадрлаш лозим. Қирқ йилдан ортиқ уларнинг кўпчилиги билан ижодий ҳамкорликда иш юритганман, бино-иншоотлар лойиҳасини ишлаб чиқишдан токи қуриб битказишгача бўлган жараёнлардаги фаолиятларини кузатганман.

Ўтган асрнинг ўрталаридан вилоятда кўп қаватли иморатлар қурилиши кенгайиб, пудрат ташкилотлари кўпая бошлади. 1947 йили қурилиш бошқармаси ташкил этилди. Унинг иختиёридаги ягона “техника” қўш ҳўкизли арава бўлган. Бу бошқарма кейинчалик вилоят миқёсида соҳа ривожланишига катта ҳисса қўшган машҳур 10-трест ва унинг таркибига кирган қурилиш-монтаж ташкилотлари шаклланишида муҳим манба бўлди. Дастлаб раҳбарлар ва мутахассислар орасида маҳаллий миллат вакиллари деярли йўқ эди. Мазкур трестни турли йилларда бошқарганлар орасидан етук кадрлар етишиб чиқди. Масалан, Илҳомжон Нейматов ҳозир ҳам Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида самарали фаолият олиб бормоқда, Йулдошали Усмонов, Зокиржон Эгамбердиев, Баҳодир Саматовлар тажрибали раҳбар сифатида кўпчиликнинг ҳурматини қозонган.

